Шу боис давлатимиз раҳбари бундай шароитда тармоқ вазирликлари ва миллий компанияларнинг геология-қидирув ишларини олиб бориш ҳамда истиқболли конларни ўзлаштириш, энергия ресурсларини сақлаш ва етказиб бериш бўйича мавжуд инфратузилмаларни кенгайтириш, замонавийларини яратиш соҳасидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш тарафдори эканлигини, электр энергиясини етказиб бериш учун янги магистраль тармоқларни барпо этиш зарурлигини таъкидлади.

Сир эмас, бугун минтақадаги давлатларнинг ҳар бири аҳолини, саноат корхоналарини узлуксиз электр қуввати билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келяпти. Марказий Осиё минтақаси, бир тарафдан, энергетика ресурсларига бой, бошқа томондан, ўша энергетика ресурслари тенг тақсимланмаган ёхуд улар турли-туман. Сув-энергетика масалалари ҳал этилмагани эса муваффақиятли интеграция йўлида тўсиқ бўлаётди.

Масалан, ўтган йил январь ойда Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг бир қатор вилоятлари электр энергиясиз қолди ва бу бутун бошли энергетика ҳалқасидаги таъминот узилшларига сабаб бўлди. Муаммо тез орада бартараф этилди, бироқ у минтақамиздаги ҳамма нарса ўзаро боғлиқ эканини кўрсатиб берди.

Муаммо шундаки, Марказий Осиё мамлакатларидаги электр энергетикаси тизими эскириб кетган. Аммо минтақамиз гидроренергетика соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Янги давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Тожикистон билан Зарафшон дарёсида ГЭС қуриш лойиҳаси биргалликда ишлаб чиқилмоқда. Қирғизистонда "Қамбарота ГЭС-1" лойиҳасини амалга ошириш масаласи фаол ҳал этилмоқда.



Диверсификация, инвестиция ва илгор технологиялар

Энергия манбаларини диверсификация қилмасдан, муқобил энергетика соҳасига инвестиция ва технологияларни жалб этмасдан ҳамда "яшил" водородни ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан туриб, минтақани барқарор ривожлантириш мумкин эмаслиги аён бўлиб бормоқда. Зеро, ўтган йилги қиш энергетика тизимига ойна тутди. Муаммо ва камчиликлар кўзга яққол кўринди. Галдаги асосий вазифа бу йилги муаммолар кейинги йилда тақорланишига йўл қўймаслик.

Шу мақсадда Ўзбекистонда энергетика самарадорлигини ошириш, тежамкорлик бўйича ишланмаларни жорий этиш, энергиянинг қайта тикланувчи ва муқобил турларини ишлаб чиқаришга жалб қилишга асосий вазифа сифатида қаралмоқда.

Жумладан, электр энергиясини тежашнинг муқобил варианти қуёш панелларидан, сув, иссиқлик электр станциялари энергиясидан фойдаланишдир. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг қарийб 85 фоизи газда ишловчи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Қолгани қайта тикланувчи энергия манбалари — ГЭСлар ва қуёш фотозлектр станциялари томонидан етказиб берилди.

Жорий йил охиригача улар сафига шамол электр станцияси қўшилиши kutilапти. Умуман олганда, 2026 йилга бориб мамлакатда ҳосил қилинадиган электр қувватининг 30 фоизини "яшил" энергия ташкил этиши режалаштирилган. Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар

институтини таҳлилларига кўра, Ўзбекистондаги дарё оқимларининг назарий гидро-энергетика салоҳияти йилга 88,5 миллиард, техник гидроэнергетика салоҳияти эса 27,4 миллиард киловатт-соатга етади. Хозирда ушбу имкониятларнинг тўртдан биридан фойдаланилмоқда. 2022 йилда жами электр энергиясининг 9 фоизи ва амалдаги қувватларнинг қарийб 12,9 фоизи ГЭСлар томонидан ишлаб чиқарилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 30 мартдаги "Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ҳам аҳолини электр энергияси билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Унга мувофиқ 2023 — 2030 йилларга мўлжалланган гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур дастурга қўшимча истиқболли лойиҳалар киритилиши ҳисобига 2030 йилга бориб ҳосил қилиниши белгиланган 3 минг 416 мегаватт электр қуввати ҳажми қарийб 5 минг мегаваттга етказилади. 2023 — 2030 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш ва гидросалоҳиятдан фойдаланиш даражасини ошириш, янги қувватларни яратиш ҳамда мавжудларини модернизация қилишга қаратилган 47 та

Қуёш панелларининг афзалликлари нимада?

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида корхона ва ташкилотлар, муассасалар қуёш панеллари ўрнатишга киришди. Бунинг афзаллик томонлари кўп. Масалан, бирор-бир ташкилотнинг бир йиллик электр энергиясига бўлган эҳтиёжи 500 минг киловаттни ташкил қилса, қуёш панелларини ўрнатиш натижасида мана шу эҳтиёж 50 фоизга қисқаради.

Ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жаддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Қарорга кўра 2023 йилда умумий қуввати 4 300 МВт бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари ишга туширилади. Жумладан, 2 100 МВт — йирик қуёш ва шамол электр станциялари, 1 200 МВт — ижтимоий соҳа объектлари, хўжалик субъектларининг бино ва иншоотлари ҳамда хона-

ланиш тўғрисида"ги қонунлар такомиллаштирилди. Президентнинг мазкур йўналишни ривожлантиришга қаратилган бир қатор қарорлари қабул қилиниб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш каби устувор йўналишларда кенг қамровли ишлар бажарилди.

"Яшил" энергетика зарурати

"Яшил" энергетикани ривожлантириш — давр талаби. Бу борада биргина Навоий вилоятида ишга туширилган, қуввати 100 мегаватт бўлган замонавий қуёш фотозлектр станциясини олайлик. Нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу станция йилга 252 миллион киловатт-соат тоза электр энергияси ишлаб чиқаришга қодир бўлиб, натижада 80 миллион метр куб табиий газни тежаш, атроф-муҳитга 160 минг тонна зарарли "иссиқхона газини" тарқалишининг олдини олиш имконини беради.

Мутахассисларнинг фикрича, юртимизда ана шундай ноёб қуёш фотозлектр станцияларини қуриш ҳисобига жами 600 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу мамлакатимизда жами энергияга бўлган талабдан 8 баробар кўп, дегани.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам яқин истиқболда миллий иқтисодиётни жаддал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш билан бир қаторда "яшил" иқтисодиёт технологияларини барча соҳага фаол жорий этиш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоиз ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газ миқдорини 20 фоиз камайтириш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Шу мақсадда йирик қувватли қуёш фотозлектр ва шамол электр станцияларини қуриш лойиҳалари амалга оширилмоқда ва гидроэнергетикани янада ривожлантириш давом этмоқда. Бу борадаги ислохотлар мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг энергия сизимини, ишлаб чиқариш таннархини янада камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш каби муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Шубҳасиз, энергетика инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди, уларнинг турли эҳтиёжларини қондириш имкониятларини кенгайтиришга шароит яратди. Инсон цивилизациясининг ривожланиши фойдаланилаётган энергия ҳажми ҳамда турлари билан ҳар доим чамбарансиз боғлиқ бўлган. Бугун Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг туб негизда ҳам энергетик мустақилликка эришиш, аҳолини ҳамда тадбиркорлик субъектларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, халқни рози қилиш мақсади ётибди.

Маъшар САИДОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, иқтисодиёт фанлари доктори.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам яқин истиқболда миллий иқтисодиётни жаддал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш билан бир қаторда "яшил" иқтисодиёт технологияларини барча соҳага фаол жорий этиш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоиз ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газ миқдорини 20 фоиз камайтириш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

инвестициявий лойиҳа ҳамда 2023 — 2025 йилларда кооперация асосида маҳаллийлаштириш учун тақлиф этилаётган асбоб-ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг рўйхати ҳам тасдиқланди.

Жорий йилда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ томонидан қуввати 196,8 мегаватт бўлган 7 та катта лойиҳа амалга оширилади. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 556,2 миллион киловатт-соат бўлган мазкур лойиҳалар ижроси таъминланиши натижасида 190 та янги иш ўрни яратилади. Дастурга мувофиқ 2030 йилга бориб соҳада давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий этилган лойиҳалар қувватини 445 мегаваттга етказиш ҳамда бу мақсадлар учун 831 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этилиши борасида амалий ишлар олиб борилмақда. Бу умумий қуввати 46 мегаватт бўлган 5 та ГЭСни ишга тушириши назарда тутди.

донларда ўрнатиладиган қуёш панеллари, 550 МВт — тадбиркорлар томонидан барпо этиладиган кичик фотозлектр станциялари фойдаланишга топширилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг соҳа ривожига оид қарорлари ижроси таъминланса, Ўзбекистонда электр тақлиғини бўлмайдми. Демак, ҳаммаси ўз қўлимизда.

Яна бир гап. Биз иқтисодий барқарорликка эътибор берар эканмиз, табиий ресурсларимиз захирасини асраш ва атроф-муҳит емирилишининг олдини олиш ҳақида ҳам ўйлашимиз даркор. Шу нуктаи назардан, янги энергетика технологияларини ишлаб чиқиш, ёқилги ва энергиядан самарали фойдаланиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётди.

Энергия тежамкорлигига эришиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланяпти. Шу мақсадда "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги, "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойда-

МАНЗИЛИНГИЗ ЯҚИН, ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТТАР БЎЛСИН!



Хосен ПАЙДОЕВ олован суратлари.

Аслида, кўчаларда транспорт воситаларининг кўпайиши тараққиётнинг жаддалашганидан, аҳоли фаровонлигининг ошаётганидан дарак беради. Шу билан бир қаторда, бу ҳолат йўл ҳаракатини тартибга солиш борасида янги-янги ечимларни талаб этади. Кўпгина ривожланган давлатларда қўшимча йўللار, кўприklar, туннел-

лар қурилиши транспорт инфратузилмасини йўлга қўйишнинг оқилона ечими сифатида қаралади. Янги Ўзбекистонда ҳам ана шу тажрибага энг самарали восита сифатида ёндашилмоқда. Охири етти йил мобайнида фақатгина пойтахтимизда автотранспорт тирбандликлари ҳосил бўладиган ўндан ортик чорраҳаларда йўлтуказгичлар, айланма

ва қўшимча йўлаклар барпо этилди, эскирлар реконструкция қилиниб, кенгайтирилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Президентимизга намойиш қилинган лойиҳага кўра, умумий майдони тўрт гектарни эгаллайдиган транспорт боғламаси қурилиши 2 босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичда Тошкент — Бўстонлик йўналишидаги иккита ер ости йўли ҳамда Паркент — Тошкент ер ости йўли қурилиши 2024 йилнинг май ойда якунланиши кўзда тутилмоқда. Иккинчи босқич 2024 йилнинг ноябрида бошланади ва 2025 йилнинг май ойига бориб якунланади. Қурилиш ишлари тўлиқ бажарилгач, транспорт воситаларининг тўхтамасдан ҳаракатланиши таъминланади.

Ҳозирги пайтда ер ости туннели қурилиши учун тайёргарлик кўриш, лойиҳани бошқариш ва техник назорат Туркиянинг "Arkon" компаниясига юклатилган. Ушбу қурилиш битга, соатига 8 мингта, айланма ва қўшимча йўллари билан биргалликда ҳисоблаганда эса 24 мингтагача автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишига имконият яратилади.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Яқин келажакда пойтахтимизнинг ҳаддан зиёд тирбандлик кузатилаётган Бунёдор шоҳқўчаси ва Катортол кўчаси, Сингапур менежментни ривожлантириш институтини ва Божхона бошқармаси кесимчаларидаги йўлларда ҳам кўприklar қурилиши имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда. Агар ижобий ҳулоса олинадиган бўлса, бу объекتلарнинг қурилиши ҳам кейинги йилдан бошланиши мумкин.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бу каби йўлтуказгичлар автомобиль тирбандликларига барҳам бериши билан бир қаторда ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди. Ҳавога зарарли газлар тарқалиши ҳам кескин камаяди.

Дунёда сайёҳларни мафтун қиладиган бино, иншоот ва кўприklar жуда кўп. Уларнинг баъзилари бир неча ой ичида, бошқалари эса ўнлаб йиллар давомида қуриб битказилган. Қурилиш муддатидан қатъи назар, бу архитектура дурдоналари ўз салоба-ти билан кишиларни ҳайратга солади. Лекин биз учун асосийси — йўл ҳаракати иштирокчиларига қулайлик яратиши. Янги Ўзбекистон кўчаси ва "4R12" автомагистрални кесиммасида қад ростиладиган йўлтуказгич айнан шунга хизмат қилади.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).

Акция

ИТАЛИЯНИНГ ЙИРИК ШАҲАРЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ФАОЛ ТАРФИБ ҚИЛИНМОҚДА



Мазкур акция Милан, Брешия, Бергамо, Кальяри, Катания, Комо, Женоа, Лечче, Ливорно, Местре, Неаполь, Падова, Пьяченце, Рим, Тревиза, Триест, Варезе, Верона ва Виченца шаҳарлари бўйлаб давом этмоқда.

Италиянинг йирик шаҳарларида катта экранларда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишланган видеороликлар намойиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини Европа мамлакатлари, жумладан, Италияда кенг тарғиб қилиш мақсадида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа

мамлакатимизнинг Римдаги элчихонаси томонидан "Alpitour World" туристик компанияси билан ҳамкорликда йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Италиянинг оммабашари "Radio Montecarlo" ва "Radio Voyage Voyage" радиоканалларида Ўзбекистон салоҳиятига бағишланган эшиттиришлар эфирга узатилмоқда.

Қайд этиш жоизки, жорий йилнинг январь — октябрь ойларида Италияда Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уч баробарга ошди. Ушбу акциянинг мақсади ҳам Ўзбекистон туризм салоҳиятини италияликлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ва бу орқали уларни мамлакатимизга жалб қилиш иборатдир.

«Дунё» АА. Рим

ШОЛИДАН БИР ЙИЛДА ИККИ МАРТА ҲОСИЛ ОЛИНАДИ

Анджон вилоятининг Избоскан туманида шолидан бир майдонда икки марта ҳосил олиш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу борада Қишлоқ хўжалигидаги билим ва инновациялар миллий маркази тизимидagi шоличилик институти ва Корея Республикасининг "Кориа" маркази билан ҳамкорликдаги изланишлар самара берди.

Омилкорлик

Айни пайтда тадқиқот ишлари якунига етказилиб, "Но-

дирбек шоликори" фермер хўжалигида иккинчи ҳосилни

йиғиб олиш ишлари якунига етказилди.

— Анджонлик шоликорлар билан олти йил давомида ҳамкорлик қилдик, — дейди "Кориа" маркази директори Ох Сунг Жонг. — Эришган ютуқларимиз амалиётда ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Боиси шу кунгача ҳосилдорлики 40 фоизга,

фермер хўжалиги даромадини эса 30 фоизга оширишга эришдик.

Жорий йилда ушбу фермер хўжалигида биринчи мавсумда 65 центнердан, иккинчи мавсумда эса 50 центнердан ҳосил олишга эришилди. Шунда бир гектар майдондаги шолипоядан

11,5 тонна ҳосил ўриб олинди. Аънавий усулда бир гектар майдондан 35 миллион сўм фойда олинган бўлса, шоличиликка янги ёндашув натижасида ушбу кўрсаткич 65 — 70 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Саманжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Туризм

САЁХАТДАН ЗАВҚЛАНГАН КЎНГИЛЛАР

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташаббуси билан юртимизда 1 ноябрдан 30 ноябрга қадар "Кексалар учун туризм ойлиги" ўтказилмоқда.



Мазкур хайрли лойиҳа доирасида Наманган вилоятининг Чортоқ, Давлатобод, Поп, Чуст, Косонсой туманларида яшовчи 130 нафар фуқаро Чортоқ туманидаги "Бибӣ Наима" ва "Султон Увайс Қараний" мажмуаларига саёҳат қилди.

Узоқ йиллик тарихга эга "Султон Увайс Қараний" мажмуаси ўзининг рамзий дарвозаси, маҳобатли макбара, масжид, музей, кунгурадор айвон ва кутубхонаси билан эътиборни ўзига тортади. Унинг музейида сақланаётган ҳажм жиҳатдан Ўзбекистон мусулмонлари идорасидаги Қуръони Усмонийдан кейин иккинчи ўринда турувчи Қуръони қаринининг қўлёзма нусхаси, айниқса, эътиборни тортади. Саёҳатга келган отахонанонлар табаррук маскан билан танишувдан унутилмас таассурот олди.

Шу куни Чортоқ туманидаги 14-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчилари ихросидаги "Бир замон — бир Ватан фарзандларимиз!" маданий-маърифий дастури меҳмонларга яхши кайфият бағишлади. — Бугунги саёҳатдан кўнглимиз яйради, — дейди қувончи инчага сийма турган Башорат Маҳмудова. — Вилоятимизда бу сингари олоб зияратгоҳларга биз, нурунийларнинг ташкилий равишда олиб келинаётгани аини мудоо. Бундан бениҳоя мамнунимиз.

Ойлик доирасидаги мазмуни саёҳатлар вилоятдаги "Ахсикент" тарихий ёдгорлиги, Исҳоқхон Ибраҳим мажмуаси, "Балиқликўл" зиёратгоҳи сингари манзилларга ҳам ташкил этилмоқда. Хозирга қадар уч мингдан зиёд нурунийлар, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакиллари мазкур йўналишларда маданий ҳордиқ чиқариш имкониятидан баҳраманд бўлишди.

Фахридин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

БОЛАЛАРНИНГ КЎЗЛАРИ

зўравонлик ва қўрқувдан ҳадиксираб эмас, қувончу шодликдан чакнаб турсин



Халқимизда "Дарахдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил" деган Ҳикмат бор. Болаҳон халқимиз. Юртдошларимизнинг бахти, келажакимизнинг эртаси ҳам шу болаҳонлар. Зеро, инсон фарзанди учун ҳаммиша эзгу тилак ва интилишлар билан яшайди.

Бугуннинг гапи

Бугунги глобаллашув даврида иродаси бақувват, мустакил дунёқарашга эга, соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш олдимизда турган муҳим вазифалардан. Аммо афсуски, болаларга нисбатан зўравонлик жамиятдаги жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Турли шакллардаги зўравонлик — гоҳида ўз отаси ёки онаси томонидан тазйиққа учраётган болалар, жинсий тажовузга учраган вояга етмаганлар ҳақида кўп эшитамиз, баъзида гувоҳ бўламиз. Ижтимоий тармоқларда кунда-кунора тарқалаётган бу каби зўравонликлар жамиятнинг оғриқли нуктасига айланиб улгурди. Ҳолбуки, бундай зўравонлик наинки муайян шахсларга, балки оила, жамиятнинг таъназулга юз тутишига сабаб бўлувчи ўта салбий иллатдир. Бу — халқимиз азалдан эъозлаб келган болаҳонлик фазилатларига мутлақо зид.

Жамият муҳитига берилаётган зарба

Улғу шoir ва файласуф Паҳлавон Маҳмуд "Мамлакатда битта боланинг кўзидан ёш оқса, мен ўзимни бахтли ҳисоблай олмаيمان", деган экан. Юртимизда бугун олиб берилаётган сиёсат ҳам шу сўзларга ҳамоҳанг, яъни инсон кадрини улғулаш, фарзандларнинг яйраб-яшнаб вояга етиши, оилаларни қўллаб-қувватлаш, уйли-жойли қилишга қаратилган.

Шунга қарамай, баъзан аёлларнинг, болаларнинг зўравонликка учрашидек ҳолатлар ҳамон юз бераётгани билан сира мурося қилиб бўлмайди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда йил бошидан бери 1 минг 240 нафар бола турли шаклдаги зўравонликка дучор бўлган. Энг ачинарлиси, уларнинг 417 нафари жинсий зўравонлики бошидан ўтказган. UNICEF томонидан яқинда ўтказилган кўп кўрсаткичли сўровдан шу нарса маълум бўляптики, Ўзбекистонда 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг учдан икки қисми ёки 62 фоизи зўравонлик билан тарбиялаш усулларига учраган. Яъни

улар жисмоний жазо ва психологик тажовузларга дучор этилган.

Эътибор беринг, 15 — 19 ёшдаги қизларнинг 33 фоизи эр ўз хотинини уришга ҳақли, деб ҳисоблайди. Бу бугунги кунда "қуракда турмайдиган" дунёқараш.

Бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда хотин-қизлар фаоллари, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда гап кетганда, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Адлия вазирлиги ва UNICEF ҳамкорлигида ўтказилган тадбирнинг ниҳоятда аҳамиятли эканини айтиб ўтиш ўринли. Чунки унда "Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тақдим этилди. Зўравонликнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича кўп тармоқли хизматларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни назарда тутувчи бу қонун лойиҳасини қабул қилиш фарзандларимизни тазйиқлар ва зўравонликлардан ҳимоялашда дастуриламал бўлиши мумкин.

Албатта, бу қонуннинг қабул қилиниши болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиради, оилага маслаҳат бериш, психологик-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳаётий кўникмаларни ўргатиш, хавфсиз уй-жой ва бошқа муаммоларни ҳал этиш тизимларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Энг катта душман — бефарқлик

Оиладаги зўравонлик ҳолатлари кўпайиб бораётгани ўта ачинарли экани ҳақида Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя агентлиги директори-нинг биринчи ўринбосари Шаҳноза Мирзиёева йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтди. Тасаввур қилинг, жорий йилнинг 9 ойида қариндошлар, жумладан, яқинлар томонидан болаларга нисбатан 166 та зўравонлик ҳолати содир этилган. Афсуски, ҳатто расмий ста-

тистика ҳам кўламини объектив баҳолашга имкон бермайди. Ҳақиқий ҳолат бундан ҳам баттар, дейди у. Зўравонлик қурбони бўлган болалар, одатда, зўравонликка дучор бўлганликлари ҳақида хабар бермайди. Кўпинча улар қўрқув, уят ёки оилага садоқат ҳисси сабаб содир бўлган ҳолат ҳақида индамайди. Болага энг яқин одамлардан бири зўравонлик қилса, буну у ҳеч кимга айтмайди, айтишга қўрқади. Таассуфки, бу ҳолатни, жоҳилликни унинг яқинлари, қариндош-уруғлари, кўни-қўшнилари эшитса ҳам тегишли идораларга хабар бермайди.

Энди савол туғилади: биз бефарқликдан қачон воз кечамиз? Ахир мактабда, оилада болаларга нисбатан зўравонлик қилинган маълум бўла туриб нега уни ошкор этишдан қўрқамиз? Васийлик, ҳомийлик ва ҳуқуқ-тартибот органлари ва ҳуқуқда ҳақ бериш фуқаролик бурчимиз эканини нега англаб етмаймиз?

Бу каби саволлар жуда кўп ва бу одамлар орасида лоқайдликка бери-

“ Уриб, калтаклаб катта қилинган бола яхши инсон бўлиб эмас, доим нимадандир ҳайиқиб, ўз фикрини айтма олмай, пана-пастқам жойларда юрадиган одам бўлиб етишади. Бизга ўзининг қатъий фикрига эга, тафаккури бой ёшлар керак. ”

лувчилар ҳам кам эмаслигидан далолатдир.

Бундай ноҳуш ҳолатлар "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" ёки "Оч қорним — тинч қулоғим" каби миямизга ўрнашиб қолган салбий иллатлар оқибати, десак, муболага эмас. Улардан қутулмас эканмиз, бундай кўнгли-сизилликлар давом этаверадди. Зўравонликка ўша лоқайд одамнинг фарзанди ҳам дучор бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Навқирон авлодга, келажакимиз эгаларига бундай муносабат ўз оёғимизга ўзимиз болта уриш билан баробар.

Тўғри, бугун интернетдан фойдаланиш даражаси ортиб борапти. Бу тизимнинг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Аммо иродаси бўш ва жиноятга мойил кимсалар учун у қурол вазифасини ҳам бажараяпти. Масалан, болаларга нисбатан зўравонликнинг кибербуллинг ва онлайн жинсий эксплуатация каби янги шакллари пайдо бўлаётгани бор гап. Ҳўш, бунга қарши биз қандай кураш олиб бораёмиз? Тўғрироғи, қай йўсинда унинг олдини олишга ҳаракат қилиялми?

Очилини айтганда, энг аввало, инсон номига номуносиб бўлган бу

каби воқеаларнинг содир этилаётгани ўта ачинарли бўлса, иккинчидан, уларнинг одат тусига қираётгани, одамларда кўникиш ҳисси пайдо бўлаётгани яна бир муаммодир. Бефарқлик, эътиборсизлик, лоқайдлик эса муаммоларнинг илдиз отишига олиб келади.

Меҳрни «импорт» қилиб бўлмайди

Тан олиш керак, тазйиққа, зўравонликка учраётган болаларнинг кўпчилиги ота-онаси хорижга ишга кетган ёки қариндошлар қўлида қолган ўсмирлардир. Бола қариндоши қўлида ўсиши, улғайиши мумкин, аммо у ота-онасиз ўзини ҳимоясиз сезади ва тазйиқларга нишон бўлади.

Ўзим гувоҳи бўлган воқеа. Бир аёл фарзандлари ва эрини уйда қолдириб, хорижга ишга кетди. Бундай чоғда ҳаммадан ҳам фарзандларга қийин. Энди-гина 5-синфда ўқийдиган ўғилнинг айтишича, кийимини ўзи ювади, овқатини ўзи тайёрлайди. Дарс қилишга ота-

си кўмаклашмайди. Шунинг учун кўни-қўшнилариникига чиқади, туни билан кўчада юриб, чарчаганидан сўнг уйга келиб ухлаб қолади. Отаси эса фарзанд тарбиясига бефарқ. Она гоҳ-гоҳида телефон қилиб туради: ўғилдан ҳол-аҳвол ва нима юбориш ҳақида сўрайди, ҳолос. Болага эса меҳр керак! Уни эса юбориш қийин. Аёнки, меҳрни «импорт» қилиб бўлмайди...

Интернет манбаларидан олинган маълумотларга кўра ҳозирги кунда 570 минг нафарга яқин ўзбекистонлик аёллар хорижга ишляпти. Уларнинг аксарияти фарзандларини онасига, опа-укасига ёки қавму қариндоши қарамоғига қолдириб кетган. Боланинг онасиз улғайиши фойадан бошқа нарса эмас. Бунинг сабабини тирикчиликка йўядиганлар қўллаб топилади. Аммо тирикчиликни эл номуҳ қиладиган, фарзандлар оқ-зор чекадиган, жамият зарар қўрадиган ишлар билан оқлаш асло мумкин эмас.

Буюк файласуф Гётенинг "Миллатни кутқариш учун аслида кўп нарса керак эмас, ота-она ва ўқитувчи қиёфа қилади, ҳолос", деган фикри бежиз айтилмаган. Тирикчилик баҳонасида оиласидан, фарзандларидан, эл-улусдан

узоклашаётган аёлларимиз бир эмас, уч гаҳарни йўқотмоқда. Биринчиси — боласи тарбиясидаги кемтиклик бўлса, иккинчиси — аёллик ор-номусига путур етиши. Учинчиси эса қаровсиз қолган боланинг зўравонлик ва тазйиқларга нишон бўлиши.

Халқимизда "Қонун тақийқлай олмаган нарсаларни гоҳо номуҳ тақийқлайди", деган нақл бор. Айтмоқчимизки, номусли одам маънавий қадриятни моддий бойликка алмаштиришни эп қўрмайди.

Гоҳида шундай ҳолатлар рўй берадики, оилада ўғил отанинг фикрларини рад этади. Ота эса ҳақлигини исботлаш учун ўғлига тазйиқ ўтказиши. Шу ўринда машҳур ёзувчи Эрнест Хемингуейнинг ибратли бир гапи ёдга тулади: одамни улдириш мумкин, лекин энг-иб бўлмайди.

Бир оилани биламан, ота ўғлига тазйиқ ўтказиб, зўравонлик қилиб, уни ўзига бўйсундиришга уринганиди. Буни қарангки, ўғил отага бўйин эгмади ва уйдан бош олиб кетди. Мана, 25 йилки, ўғил дом-дараксиз.

— Мен фарзандни уриб, сўкиш, тазйиқ ўтказиб, унга озор беришга мутлақо қаршиман, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Мамажонова. — Илмли, зиёли ва маънавиятли инсон фарзанд тарбиясида бундай қўпол хатога йўл қўймайди. Уриб, калтаклаб катта қилинган бола яхши инсон бўлиб эмас, доим нимадандир ҳайиқиб, ўз фикрини айтма олмай, пана-пастқам жойларда юрадиган одам бўлиб етишади. Бизга ўзининг қатъий фикрига эга, тафаккури бой ёшлар керак. Ахир биз Иккинчи жаҳон урушининг ҳақатчилик йилларида ҳам миллионлаб болаларни ўз бағрига олган, буюк халқ вакилларимиз!

Дарҳақиқат, халқимиз энг улғу инсоний фазилатлари билан дунёга танилган. Аждодларимиз қалбларида имон-эътиқод, меҳр-оқибат кучли бўлган. Давлатимиз раҳбари ҳаётимиздаги ҳар қандай муаммога тик қараб, камчиликларимизни, нуқсонларимизни очиб ташламоқда. Уларнинг ечимини кўрсатиб бераётир. Бу барчамизга ибратдир. Шундай экан, улғу алломалар айтганидек, замоннинг қўзғаларига тик қарамоқ — келажакнинг кўзига, боламизнинг кўзига тик қараб яшамокни аналатади. Болаларнинг қўзғалари эса келажакнинг қўзғаларидир. Бу нигоҳлар қўрқув ва ҳадиксирадан, зўравонликлардан ҳайиқиб эмас, қувончу шодликлардан порлаб турсин! Ана шундагина биз тарихи, аждодлари буюк, келажак ҳам албатта, ёрқин, ёруғ бўладиган халққа хос йўл тутган бўламиз.

Фахридин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

Кулайлик «ИНСОН» ИЖТимоий ХИЗМАТЛАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Хоразм вилоятининг Урганч туманида "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази иш бошлади. Ававаллари ижтимоий хизматлар кўрсатиш турли ташкилотлар томонидан тарқоқ ҳолда амалга оширилиши тўғрисида овозгарчиликлар юзасига келиб, фуқароларга ноқулайликлар туғдирарди.



Эндиликда 26 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш ушбу марказ ҳамда маҳалла-ҳудудда ижтимоий ходимлар томонидан ягона тизим орқали амалга оширилади. Келгуси йилдан бу хизматлар сони ортиб, яна янги 23 та ижтимоий хизмат йўлга қўйилади. Бинонинг очилиш маросими муносабати билан ўтказилган тадбирда нурунийлар, ноғиронлиги бўлган фуқаролар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШ иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳамда ёнгин хавфсизлиги меъёрларига риоя этмаслик оқибати

Кунлар совиб, ҳаво ҳарорати пасайиши билан ҳар йили ис газидан заҳарланиш ҳолатлари қайд этилади. Навоий вилояти мисолида айтадиган бўлсак, бир неча ана шундай ноҳуш ҳодисалар рўй бериб, улардан бирида эр-хотин вафот этди, иккинчисида вояга етмаган ўсмир йигитнинг ҳаёти шифокорларнинг малакаси биринчи тиббий ёрдами тўғрисида алоҳида таъкидлаб ўтди. Вилоятда ўтган йилги куз-қиш мавсумида эса учта ҳолатда ис газидан заҳарланиш ҳолати қайд этилганди.

Долзарб мавзу

Бу борада аҳоли ўртасида мунтазам равишда тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилиши ҳамда тегишли вазирлик, идоралар томонидан кўрилатган чораларга қарамай, афсуски, вазият ўнглашиб кетмаёпти. Ҳўш, бунга нима сабаб ва ким айбдор? Ушбу аянчли ҳодисаларнинг олдини олиш мумкинми? — Ис газидан заҳарланишларнинг келиб чиқиш сабаблари ва манбалари ўрганилиб, таҳлил қилинганда аксарият ҳолатларда фуқароларнинг табиий газдан нотўғри фойдаланиши, уларни назоратсиз қолдириши, иситиш қурилмалари, газ қувурлари уланган жойдан газ сизиб чиқишига эътиборсизлик тўғрисида рўй берганлигига гувоҳ бўламиз, — дейди Навоий шаҳар ФВБ бошлиғи ўринбосари подполковник Дилшод Сувонов. — Шунингдек, қўлбола иситиш мосламалари билан иситиладиган хоналарда мўри ҳамда дудбуронлар

тўпланган жойда қанча вақт қолиб кетганига боғлиқ. Унинг организмга таъсири натижасида қонда кескин ўзгариш кузатилади, яъни қон таркибидаги гемоглобин билан реакцияга киришиб, карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса анокицияга олиб келиши ҳамда шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмishi мумкин. Биз юқорида қайд этган ҳолатга қайтсак, икки кун ўтиб гараж эшиги бузиб очилганида кел бўлган эди.

Демак, эҳтиёткорлик жуда муҳим. Инсонларнинг иссиқлик манбаларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги, мавсум олдидан дудбурон ва мўрилар тафтишдан ўтказилмаслиги оқибати фожиа билан тугаши мумкин.

Фуқаролар ностандарт (қўлбола) иситиш мосламалари ёки сертификатга эга бўлмаган иситиш печлари ва анжомларини харид қилмаслиги керак. Иситиш печларининг дудбуронларини тўғри ўрнатиши, газ ёки бошқа муқобил ёқилгига мослаштирилган иситиш печлари ҳамда суолтирилган углеводород газ балонлари (анжомлари)ни дам олиш (ухлаш) хоналарига олиб кирмаслиги, ошхонага ўрнатилган табиий газ плиталарини хоналарни иситиш мак-

садида ишлатмаслиги, ҳаво алмашмайдиган хоналарни иситишда очиқ олов (кўмир ва ўтин чўғлари)дан фойдаланмаслиги шарт.

— Ис газидан заҳарланган фуқароларимизнинг аксарияти унинг олдини олиш ҳамда эҳтиёт чораларидан хабардор эмасликлари маълум бўлмоқда, — дея давом этади Д. Сувонов. — Бунинг учун оммавий ахборот воситалари орқали мавзуга оид тарғибот ишларини янада кучайтириш лозим. Бунда эса ўзаро ҳамкорликда ишлаш қўл келадди. Таҳлиллардан маълумки, ис газидан заҳарланишнинг ҳар учтадан икkitаси ижарада турувчи фуқароларнинг нозос иситиш печи ва нотўғри ўрнатилган дудбурондан фойдаланишлари, дудбуронларни ўз вақтида текширтмаслиги, қўлбола, ностандарт печлардан фойдаланиш оқибатида содир бўларкан. Табиийки, бу борада ижарага берувчининг масъулиятини ошириш механизмизини ҳам жорий этиш фойдаланган ҳоли эмас.

— Аҳолининг табиий ҳамда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш тадбирлари нафақат мутасадди ташкилот, идоралар ва хизматлар, балки ҳар бир хонадон эгаси ҳамда барча фуқаролар томонидан амалга оширилиши зарур, — дейди "Худудгаз Навоий" газ таъминоти

филиали бўлим бошлиғи Жалолиддин Худойқулов. — Шаҳар ва туман газ таъминоти бўлимлари томонидан тегишли хизматлари билан ҳамкорликда ҳовли хонадонлар, кўп қаватли уйлarda, ўқув муассасаларида, ётоқхона ва меҳрибонлик уйларида, даролаш профилактика муассасаларида, кинотеатр ва кўнгличор масканларда тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Вилоят ФВБ ва унинг худудий бўлимлари билан ҳамкорликда ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини ҳамда тунги вақтларда рейдлар ўтказилапти.

Ушбутирилган сўбатлар ва уйма-уй юриб олиб боришган профилактик тадбирлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича 26 минг 545 нафар одамга оғохлантириш хатлари берилди.

Таъкидлаш жоизки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотга кўра ис газидан заҳарланиш оқибатидаги қурбонлар сони алкоғолдан заҳарланишдан кейин иккинчи ўринда туради. Аслида ҳар икkitасидан ҳам сақланишнинг иложи бор. Боиси заҳарланиш касаллик эмас, балки истеъмолчиларнинг шунчаки бефарқлиги, иситиш мосламаларида фойдаланиш ҳамда ёнгин хавфсизлиги меъёрларига риоя этмаслиги оқибатидир.

Темур ЭШБОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Мўассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши. Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Наматчи муҳаррир — З. Худойкулов. Мўасхўҳ — Ш. Машраббев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.12 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6